

## **THE IMAGE OF SILK IN UZBEK FOLK SONGS**

**Uraeva Darmonoy - Professor of BSU, Doctor of Philology,  
Rajabov Dilshod - Associate Professor of BSU, Doctor of Philology.**

**Abstract:** Silk fabric has been known to the peoples of Central Asia since ancient times, and they have used this precious fabric, mainly in the manufacture of clothing and embroidery.

**Keywords:** folk songs, silk fabric, precious clothing

Ипак матоси Ўрта Осиё халқларига жуда қадим замонлардан маълум ва улар бу қимматбаҳо матодан, асосан, кийим-кечак, каштачилик буюмлари тайёрлашда фойдаланиб келишган.

“Буюк ипак йўли” деб аталувчи манзилда яшаган аجدодларимиз орасида ипакчиликнинг ўзига хос бетакрор мактаби яратилганлигини инкор этиб бўлмайди. Буни далилловчи манбалардан бири халқ кўшиқлари бўлиб, уларда ипак образининг кўп қўлланиши ва бир неча бадий-тимсолий маъноларда учраши алоҳида эътиборни тортади.

Ўтмишдаги аجدодларимиз ипакдан тайёрланадиган шойи, атлас сингари қимматбаҳо матолардан ранг-баранг буюмларни шунчаки ишлатмаганлар, бунга аввало, ўзларининг анимистик, тотемистик ва космогоник эътиқодлари асосида ёндашиб, ипакнинг инсонни турли-туман хавфлардан, инс-жинслардан муҳофаза қилувчи кучга эга бўлишини ҳам таъминлаганлар. Шу ниятда ипак матоларга турли-туман тотем саналувчи ҳайвонларнинг ёки гул ва ўсимликларнинг барги, бутوقлари, меваси суратини, шунингдек, ойнанинг ҳилол ва бадр ҳолати, қуёшнинг чарақлаб сочилиб турган заррин нурлари, юлдузларнинг нурафшон қирралари тасвирини тушириб, уни нафақат безашга, балки магик қудратини янада кучайтиришга интиланлар.

Эътиборли жиҳати шундаки, ипак билан боғлиқ эътиқод излари халқ кўшиқларига ҳам кўчиб ўтган ва асрлар давомида халқимизнинг бой ва фаровон турмушга, гўзалликка ошуфталигини ифодаловчи жўшқин мотивга айланган.

Ипак матолардан тайёрланган буюмлар ҳар қанча қимматбаҳо бўлмасин, гоёт харидоргир бўлиб қолаверган. Улар аёллар кўркига кўрк қўшган,

саройлар хашаматини оширган. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам аждодлар эътиқоди изларини ўзида сақлаб қолган. Узоқ мозийда ҳам, бугун ҳам ипакдан рўмоллар, кўйлақлар тайёрлаш анъанаси давом этмоқда.

Ўзбек халқ кўшиқларида ипак буюмлар образи сулувлукни кучайтирувчи эпитет (сифатлаш) вазифасида қўлланиб келмоқда. Шуниси эътиборлики, кўшиқларда аёллар буюмларининг, албатта, ипакдан, шойи ёки атласдан эканлигини таъкидлаш орқали лирик қаҳрамоннинг гўзаллигига ишора қилиш анъанавийлик касб этган. Тубандаги тўртликларда буни кузатиш мумкин:

Аробанинг йўлига  
Сепдим капак, ёр-ёр.  
**Келин синглим кийгани  
Зару ипак, ёр-ёр.**

Ёки:

**Ипак рўмол бошимда товланади,  
Чақирмаган тўйингга ким боради?  
Бормайин деб, бир хаёл қилиб эдим,  
Севганимнинг товуши жон олади.**

Ўзбекларда келинни куёникига узатиб бориш жараёнида куйланадиган “Ёр-ёр” кўшиғидан келтирилган биринчи мисолда келинчак кийимининг ипакданлиги таъкидланаётган бўлса, лирик кўшиқлардан олинган иккинчи мисолда суюкли маъшуқа рўмолининг ипаклиги, унинг ёр бошида жозибатор товланиб, гўзаллигига янада тароват бағишлаётгани ифода этилмоқда. Ҳар иккала матнда ҳам ипакнинг сифатлашга айлангани кузатилмоқда.

Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ипак олди-сотди, савдо-сотик ишларида анча харидоргир бўлганлигидан, ундан кенг фойдаланилаётгани шоён ҳақиқатдир. Бунинг исботи халқ кўшиқларида ҳам кузатилади:

**Дарёнинг ул юзидаатторэдим,  
Оқ ипак, қизил ипак сотар эдим.  
Оқ ипак, қизил ипакни олдилар,  
Пўтага нақши нигорни солдилар,  
Пўтани сўнг ромга боғладилар.**

Ёки:

Бозордаги ипакдай,  
Бўғиб кўйган кепакдай,  
Бувисига бир салом.

Ушбу кўшиқлар мисолида нафақат ипак билан боғлиқ савдо-сотик, бозор ишларининг қадимийлигини ва анъанавийлигини, балки унинг оқ ва қизил тусдаги турлари мавжудлиги-ю, шу нуқтаи назардан ўзаро фарқланишини идрок этиш мумкин.

Ипак бойлик рамзи саналгани боис бой-зодагонларнинг,

хукмдорларнинг кийим-кечаклари ипакдан тайёрланган. Халқ орасида, асосан, узатилаётган қизларнинг сепини ипак буюмлари билан тайёрлашга эътибор берилган. Шундан келиб чиқиб, халқ кўшиқларида ипак бахтли оила, тўқис турмуш рамзини ифодалашга хизмат қилганлиги кузатилади:

Араванинг тагига  
Сепдим кепак, ёр–ёр.  
**Келин ойим сеплари**  
**Бари ипак, ёр–ёр.**

Халқ кўшиқларида ипак ҳам ўз, ҳам кўчма маънони ифодалаб келиши тубандаги мисоллар орқали аёнлашади:

Ипакдан тўқилган арқоним,  
Узилиб кетди, вой отам,  
Темирдан курган қўрғоним,  
Бузилиб кетди, вой отам.

Ота вафоти муносабати билан куйланаётган ушбу мотамсаро йиғи кўшиғида “ипакдан тўқилган арқон” ўз маъносида бўлса-да, ота образининг куч-қудратини, унинг оиладаги мавқеини таъкидлаш учун қиёсий манба вазифасини ўтаётир. Ипак гарчи юмшоқ ва майин бўлса ҳам, ундан тўқилган арқон мустаҳкам бўлиши маълум. Ана шу ҳақиқат асосида отанинг ҳам меҳри юмшоқ бўлса-да, айни пайтда темир қўрғондек ҳамда ипакдан тўқилган арқондек ўз оиласи учун асровчи таянч эканига рамзий ишора қилинмоқда.

Кўпгина кўшиқларда, хусусан, келин ва куёв образи бўртиб турадиган “Ёр-ёр”ларда оқ ва қизил ипак образи бот-бот кўзга ташланиб, уларга параллел образ бўлиб келади. Масалан:

**Оқ ипак, қизил ипакдай**  
Эшилибсиз, ёр–ёр.  
**Бири барно, бири доно,**  
Келишибсиз, ёр–ёр.

Кўриняптики, матнда оқ ипак ва қизил ипак образлари барно (қиз – келин), доно (йигит – куёв) образлари билан параллелик – жуфтлик ҳосил қилмоқда. Бунда ипакка нисбатан “эшилибсиз”, йигит-қиз, яъни келин-куёвга нисбатан “келишибсиз” феълларининг қўлланаётгани фақат қофия учун эмас, балки кўшиқнинг асосий мақсадини очиш учун ҳам хизмат қилмоқда.

Ипак – ўзбек халқининг миллий бойликларидан, асосий даромад манбаларидан бири. Шунинг учун у қимматбаҳо бойлик товар сифатида баҳоланади. Чунки халқимиз ҳар йили ипак етиштириб, уни чет элларга ҳам экспорт қилиши натижасида салмоқли даромад олади.

Бадий нутқда ипакка нисбатан “кумуш тола” метафораси ишлатилиши маълум. Демак, бунда ипак тушунчаси ўхшашли кўчим воситасида кумуш тола тасвирий ифодасига мувозий (параллел) келтирилади.

Айрим хунармандлар ўзлари ясаган буюмларга жозиба ва қулайлик

бағишлаш учун, уларнинг имкониятларини кучайтириш, харидоргирлигини ошириш ниятида ипакдан фойдаланганлар. Бундай буюмлар, албатта, ажралиб турган.

Дойра-ю, дутора шунда танбури,  
Ипакдан эшилган барининг тори.

Яна:

Бир ёқа миниб бўлсалар мойил,  
Йўлда кўрганларни қилади қойил,  
Зарҳалдан эгари, ипакдан айил,  
Хўжамнинг тойлари дулдула менгзар.

Буюмларни ипакдан тайёрлаш тасодифан пайдо бўлмаган. Бунга қадимги инсонларнинг теварак-атрофни, борлиқни кузатишлари асосида орттирган маълум ҳаётий тажрибалари асос бўлган. Жумладан, қадимги инсонлар ипакни қурт эшишини кўриб ҳайратланганлар. Шундан келиб чиқиб, уни илоҳий жаннат тушунчаси билан боғлаб талқин қилганлар ва эътиқод билан муносабатда бўла бошлаганлар. Юқоридаги қўшиқлар мазмунидан миллий чолғу асбоблари торини, шунингдек, отнинг айилини тайёрлашда ипак арқонлардан фойдаланганлигини англаса бўлади. Миллий мусиқий асбобларимиз торининг ипакдан тайёрлангани ҳақидаги маълумот аслида шу асбоблардан таралувчи оҳангнинг майин ва ёқимлилиги бўлишига ишорадир. Лекин ўтмишда шоҳлар ва бадавлат кишилар ўз киборлиқларини ажратиб кўрсатиш мақсадида отларининг айилу ёпинчиқларини ипакдан қилишгани рост. Шу зайлда ипак айил ҳам халқ қўшиқлари поэтик оламини бойитувчи ҳодисага айланган.

Айрим қўшиқларда оддий ип билан ипакни ўзаро зидлаш асосида бой ва камбағал, яхши ва ёмон тушунчалари рамзлаштирилгани кузатилади:

Ипданмиди, ипакданми  
Кийганингиз, ёр-ёр?  
Биздан ҳам ортиқмиди  
Суйганингиз, ёр-ёр?

Соғлом тан ва юз, одатда, ипакдек жилоланиб туради. Шунинг учун халқ қўшиқларида юзга нисбатан ипакнинг ташбеҳлантирилганини ёки сифатлаш учун келтирилганини кузатиш мумкин:

Боғлаб қўйган пўпакдай,  
**Қизил юзи ипакдай**  
Янгаларига бир салом.

Ипак майин ва юмшоқлиги, табиийлиги боис инсон организми учун фойдали деб қаралган. Шунинг учун одамлар ўзларига ипакдан бош ва тан кийимлари тайёрлашган. Бунга ишоралар халқ қўшиқларида аниқ сақланиб қолган:

Олма кўрдим дарвозангнинг қошинда,

### **Ипак пўталари бордир бошинда.**

Ёки:

Тоқичаси пўпаклик,  
**Игналари ипаклик,**  
Эрка қизга салом.

Хулоса қилиб айтганда, ипак сўзи воситасида ҳосил қилинган сифатлашли бирикмалар, одатда, ипакнинг келиб чиқиши ҳақидаги афсонавий эпик тушунчаларнинг халқ шеърлятига ҳам сингганлигини намоён қилади. Халқ кўшиқларида кенг қўлланадиган ипак сифатлаши ё реал, ё кўчма маънони ифодалаб келиши кузатилади. Шунга кўра уларни иккига: а) ишониш ва тасаввур қилиш қийин бўлган уйдирма сифатлашларга (масалан, ипак сўз, ипак юз каби) ҳамда б) ишониш ва тасаввур қилиш мумкин бўлган уйдирмасиз сифатлашларга (масалан, ипак рўмол, ипак пўта, ипак айил каби) ажратиш мумкин. Ишониш ва тасаввур қилиш қийин бўлган уйдирма сифатлашлар орқали ифодаланаётган предметларни реал ҳаётда учратиш бўлмайди. Улар халқнинг ҳаёлий уйдирмаси маҳсули бўлиб, мавҳум образлар ҳисобланади. Ишониш ва тасаввур қилиш мумкин бўлган уйдирма сифатлашларни эса ҳунарманд-усталар тайёрлашлари мумкин бўлганлиги сабабли ақлга сиғдирса бўлади.

Халқ кўшиқларида ипак сифатловчисининг кўп келтирилиши бежиз эмас. Чунки меҳнаткаш халқ ҳамиша тўкин ва фаровон, бой турмушни орзу қилган. Халқнинг мана шу эзгу орзу-нияти эса кўпинча халқ кўшиқларида юқоридаги каби ўзига хос бадиий акс эттирилган.

#### **Адабиётлар:**

1. Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари. – Т.: Фан, 1959. – 315 б.
2. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Т.: Фан, 2010. – 308 б.
3. Сафаров О. Фольклор – бебаҳо хазина. Сайланма. – Т.: Мухаррир, 2010. – 360 б.
4. Турдимов Ш. Лирик кўшиқларда рамз. – Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1982. – №3. – Б.16-19.
5. Bakaevna R. M. Artistic interpretation of the mythonyms of Angel and Devil in the works of A. Navoi //Middle European Scientific Bulletin. – 2020. – Т. 5.
6. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 1626-1633.

7. Baqoevna R. M. Interpretation of Navruz In Navoi's Work //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – T. 25. – №. 1. – C. 16-23.
8. Akhmedova D.B. Semantic labeling of language units// International Journal on Integrated Education. e-ISSN: 2620 3502 p-ISSN:2615 3785. Volume 3, Issue I, Jan 2020. – P. 177-179 // <https://www.researchgate.net/publication/339152869>
9. Akhmedova D.B. Set of semantic tags for Uzbek language units: constants and operator/classifier. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Impact Factor, 2409-0085(online) Issue:02 Volume:82 Published 29.02.2020. – P.177-179.<https://www.elibrary.ru/defaultx.asp?rpage=https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42658994>
10. Akhmedova D.B., Mengliyev B. Semantic Tag Categories in Corpus Linguistics: Experience and Examination// International Journal Of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN:2277-3878, Volume-8, Issue-3S, October-2019// <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/15/>
11. Rajabboyevna A. N. Individualization in education and methods of improving teaching the english language //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – T. 24. – №. 1. – C. 91-96.
12. Alimova N., Radjabova M. THE ROLE AND IMPORTANCE OF INDIVIDUAL EDUCATION IN THE SYSTEM OF ORGANIZATION //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – C. 401-404.
13. Alimova N. R. IMPROVING TECHNOLOGY OF INDIVIDUALIZATION ON EDUCATION FOR STUDENTS OF TECHNICAL SPECIALTIES IN TEACHING ENGLISH //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 12. – C. 352-355
14. Rajabboyevna A. N. Organization of English Lessons Based on Advanced Pedagogical Techniques //International Journal on Integrated Education. – T. 3. – №. 3. – C. 41-45.
15. Alimova N. POSSIBILITIES FOR INDIVIDUALIZING TEACHING FOREIGN LANGUAGES IN A NON-LANGUAGE UNIVERSITY //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – T. 7. – №. 12.
16. Nozima A. Content And Methods of Individualization Of Teaching Activities //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – T. 25. – №. 1. – C. 50-53.